

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЭСА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ҳасанова Рухсора Расулжон қизи

Фарғона давлат университети

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши талабаси

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда тўқимачилик саноатини модернизациялаш, диверсификациялаш ва жадал ривожлантиришига катта аҳамият берилмоқда. Тўқимачилик саноати Ўзбекистон саноатининг энг ривожланган ва юқори рентабелли тармоқларидан ҳисобланади. Тармоқ корхоналарида йиғирилган ип, калава, хом ва тайёр матолар, трикотаж ва тикувчилик корхоналарида кийим-кечак ва маиший буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Калим сўзлар: *тўқимачилик саноати, ип, газлама, пахта, бандлик, аҳолди турмуш тарзи.*

ABSTRACT

In our country, great importance is attached to the modernization, diversification and rapid development of the textile industry. The textile industry is one of the most developed and highly profitable sectors of Uzbekistan's industry. The network enterprises produce spun yarn, kalava, raw and finished fabrics, and clothing and household goods are produced in knitting and sewing enterprises.

Key words: *textile industry, thread, gauze, cotton, employment, lifestyle of the population.*

КИРИШ

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий фондлар билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосий ўринда туради. Чунки, асосий фондлар билан етарли даражада таъминланган бўлса-ю, лекин улардан самарали фойдаланмаса, у ҳолда корхонанинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш эса айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун иқтисодиёт учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтимоий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий ривожлантириш суръатини оширади.

Шунинг учун ҳам нафақат тўқимачилик саноатини ривожлантиришда, балки умумсаноат ҳамда халқ хўжалигининг иқтисодий ривожланишида асосий фондлар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш бугунги кундаги долзарб мавзулардан ҳисобланади. Бу мавзунинг амалий ёритишда республикамизда тўқимачилик корхоналари орасида ўз ўрнига эга бўлган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “POSCO International Textile” хорижий корхонаси танлаб олинди. Бу корхонани танлаб олинишининг муҳим сабабларидан бири, бу корхонада ишлаб чиқарилган 100 фоиздан иборат калава ип ва мато маҳсулотларининг 80 фоиздан юқори қисми экспортга реализация қилинади. Дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларига маҳсулот етказиб беради ва сифат жиҳатидан дунё ҳамжамияти талабларига жавоб беради [5].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, фан-техника тараққиётини яна ҳам жадаллаштириш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бозор иқтисодиёти қонуларига мос равишда олиб бориш мамлакатимиз иқтисодий стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш учун республикамизда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган [4]:

- тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг хом ашёлари, материаллари, тайёр маҳсулотлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ходимларини ташиш ва логистика масалаларини тезкор ҳал этиш;

- таннархини пасайтириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари таннархини пасайтириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- янги истиқболли ташқи бозорларни излаш, маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш;

- либослар дизайни ва коллекцияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тармоқ корхоналарига жорий қилиш.

Тўқимачилик саноати корхоналарида рақобатбардошлигини оширишда асосий фондлар ва айланма маблағлар самарадорлигининг юқори бўлишига интилиш лозим. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги “Тўқимачилик соҳаси корхоналарини айланма маблағлар билан ўз вақтида

таъминлаш, уларнинг барқарор ишлаши учун қулай шароитлар яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида” ги 664-сонли Қарорининг қабул қилиниши тўқимачилик корхоналарида айланма маблағлар билан ўз вақтида таъминланишига катта ҳисса қўшади. Иш ўринлари яратилиб камбағалликни қисқартиришга ёрдам беради.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш аҳамиятини баҳолаш мураккаб. Бу муаммони ечиш жамият учун зарур булган маҳсулот ҳажмининг ошишини, яратилган ишлаб чиқариш потенциали кайтимини оширишни ва аҳоли эҳтиёжларининг тўларок қондирилишини, маҳсулот таннархининг пасайишини, рентабелликнинг ўсишини билдиради.

Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш уларнинг айланишини ҳам тезлаштиради ва уларнинг янгиланишини жадаллаштиради. Ва ниҳоят, асосий фондлардан самарали фойдаланиш маҳсулот сифатини оширишга олиб келади.

Асосий фондларни унумли ишлатиш улардан экстенсив ва интенсив фойдаланиш омилларини қанчалик даражада яхшилашга боғлиқ. Асосий фондлардан экстенсив фойдаланиш, бир томондан, календар даврда жорий жихознинг иш вақти ошишини, бошқа томондан, маълум жихознинг умумий жихозлар таркибида салмоғининг ошишини тақозо этади.

Жихознинг иш вақтини кўпайтиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- жихозларни таъмирлаш хизмати сифатини ошириш йўли билан смена ичидаги тўхташларни камайтириш ва бартараф этиш, асосий ишлаб чиқаришни ўз вақтида иш кучи, хом ашё, ёқилғи билан таъминлаш;

- жихозларнинг кун бўйи тўхташларини камайтириш, уларнинг сменалик иш коэффицентини ошириш.

Асосий фондлар самарадорлигини оширишнинг муҳим йўлларида бири ортиқча жихозлар сонини камайтириш ва ўрнатилмаган жихозларни тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилишдир.

Асосий фондлардан экстенсив фойдаланиш ўз чегараларига эга. Интенсив йўлнинг имкониятлари анча катта. Асосий фондлардан интенсив фойдаланишни ошириш вақт бирлиги ичида жихозларни юклаш даражасини оширишни тақозо этади. Жихозларни интенсив юклаш машина ва механизмларни модернизациялаштириш, меҳнат қуролларини техник такомиллаштириш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилаш, ишчиларнинг малакаси ва усталигини ошириш орқали эришилади.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим йўналиши уларнинг тузилишини такомиллаштириш ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш хажми етакчи цехларда ошиши сабабли, уларнинг умумий асосий фондлар қийматидаги ҳиссасини оширишга ҳаракат қилиш керак. Ёрдамчи цехларни кенгайтириш фонд сифимини оширишга олиб келади. Лекин ёрдамчи хўжаликларнинг пропорционал ривожланишини таъминламасдан, асосий ишлаб чиқаришнинг тўлиқ фаолиятини таъминлаб бўлмайди.

Хусусий кўрсаткичлар гуруҳи таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан экстенсив фойдаланиш коэффиенти, улардан вақт бўйича фойдаланганлик даражасини акс эттиради;
- асосий ишлаб чиқариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан интенсив фойдаланиш коэффиенти, улардан қувват бўйича фойдаланганлик (унумдорлик) даражасини акс эттиради;
- асосий ишлаб чиқариш фондларидан интеграл фойдаланиш коэффиенти, барча экстенсив ва интенсив омиллардан биргаликда фойдаланишни ҳисобга олади.

Кўрсатилган кўрсаткичларнинг ҳар бири амалиётда мустақил маънога эга бўлиб, турли мақсадларга эришиш учун фойдаланилади. Масалан, асосий ишлаб чиқариш фондларидан вақт бўйича қандай фойдаланилганлигини (экстенсив фойдаланиш) баҳолаш асбоб-ускуналарнинг сменалик коэффиенти, ускуналарни коэффиенти, смена давомида ускуналарнинг бекор туриб қолиши, ускуналардан сменаларда фойдаланиш коэффиенти каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий воситалари билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосий ўринда туради. Чунки, асосий воситалар билан етарли даражада таъминланган бўлса-ю, лекин улардан самарали фойдаланмаса, у ҳолда корхонанинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади.

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик кўп фойдаланса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннархи арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

1-жадвал

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар[1]

| Кўрсаткичларнинг номи | Нимани ифодалаши (мазмун) | Аниқланиш формуласи |
|-------------------------------------|--|----------------------------|
| 1. Ав. рентабеллиги | Ав.лар ўртача қийматиға нисбатан соф фойданинг улушини ифодалайди. | $CF*100 / Ав_{ўр}$, |
| 2. Ав. даромадлилиги | Ав. ўртача қийматиға неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади. | $D*100/Ав_{ўр}$ |
| 3. Ав. натижавийлиги (фонд қайтими) | 1 сўм Ав. ўртача қийматиға қанча миқдорда натижавий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва ҳ.к.) тўғри келишини ифодалайди. | $Q/Ав_{ўр}$ |

1-жадвал бўйича айтиш мумкинки, асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга: Ав маҳсулдорлиги, Ав даромадлилиги, Ав рентабеллиги, машина ва ускуналар қувватларидан фойдаланиш коэффициенти киради.

1. Асосий воситалар рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сўмиға тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди. У соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматиға нисбати билан қуйидагича аниқланади:

$$Раф = CF*100 / Ав_{ўр},$$

бунда: Раф – асосий воситалар рентабеллиги; CF – соф фойда.

“POSCO International Textile” корхонасида асосий воситаларнинг ўртача қиймати: $Ав_{ўр} = (657078,23+210038,5) : 2 = 433558,37$ млн. сўм,

$$CF = 83786,88 \text{ млн. сўм,}$$

$$\text{бундан, } Раф = 83786,88*100/433558,37 = 19,33 \%$$

2. Асосий воситалар даромадлилиги

$$Ав.д = D*100/Ав_{ўр},$$

бунда: D – даромад

Ушбу корхонада D = 200687,2 млн. сўм, бундан,

$$Ав.д = 200687,2*100/433558,37 = 46,3 \%$$

3. Асосий воситалар натижавийлиги (фонд қайтими). Асосий воситалар маҳсулдорлиги таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг Ав ўртача йиллик қийматиға нисбати шаклида қуйидаги формула орқали топилади:

$$Ав.м=Q / Ав_{ўр},$$

бунда: Авм – асосий воситалар маҳсулдорлиги;

Q – таҳлил қилинган даврда ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми;

Ав_{ўр} – асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

“POSCO International Textile” корхонасида таҳлил қилинган даврда ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми

$$Q = 955697,48 \text{ млн. сўм}$$

$$\text{Ав.м} = 955697,48 : 433558,37 = 2,2$$

Демак, хорижий корхонадаасосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми 2,2 сўмни ташкил этган.

Фонд сиғими (Ав.с) фонд қайтимининг аксидир. Ав.с – маҳсулот қийматининг ҳар сўми (100, 1000) га тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондларини ифодалайди:

$$\text{Ав.с} = 433558,37 : 955697,48 = 0,45$$

2-жадвал маълумотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўсиш суръати (136,0 %) га нисбатан маҳсулот ҳажмининг озроқ даражада (122,8 %) ортиши туфайли фонд қайтими ўтган йилдаги 2,44 сўмдан ҳисобот даврига келиб 2,2 сўмга пасайган, фонд сиғими эса 0,04 сўмга кўтарилган. Асосий воситалар ўсишининг ҳар бир фоизига маҳсулот ҳажмининг ўсиши $36 : 22,8 = 1,58$ бирликни ташкил этган. Фонд сиғими чегара кўрсаткичи “1” дан кичик бўлса, асосий воситалардан самарали фойдаланилганликни ифодалайди.

2-жадвал

“POSCO International Textile” корхонасида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни таҳлили [3] (2017-2018 йил)

| | Кўрсаткичлар | Ўтган йил | Ҳисобот йили | Фарқи (+/-) | Ўсиш суръати, % |
|----|---|------------|--------------|-------------|-----------------|
| 1. | Маҳсулот ҳажми (млн. сўм) | 778 521,37 | 955 697,48 | 177 176,11 | 122,8 |
| 2. | Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати | 318 770,83 | 433 558,37 | 114 787,54 | 136,0 |
| 3. | Фонд қайтими, сўм (1/2) | 2,44 | 2,2 | -0,24 | 90,2 |
| 4. | Фонд сиғими, сўм (2/1) | 0,41 | 0,45 | 0,04 | 109,8 |

Лекин корхона натижасига кўра, фонд сиғими чегара кўрсаткичи 1,58 бирликни ташкил этиб, асосий воситалардан самарали фойдаланиш даражаси пасайган. Фонд қайтимининг ортиши ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар сўмига тўғри келадиган амортизация ажратмалари суммаси ёки амортизация сиғимини пасайишига ва маҳсулот баҳосидаги фойда ҳиссасини ортишига олиб келади. Корхонада фонд қайтими пасайган (90,2 %). Демак, ишлаб чиқарилган

маҳсулотнинг ҳар сўмига тўғри келадиган амортизация ажратмалари суммаси ёки амортизация сиғимини ортишига ва маҳсулот баҳосидаги фойда ҳиссасини камайишига олиб келган.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан **нисбий иқтисод (ортиқча сарф)** қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}_{\text{нисб}}(A_{\text{ф}}) = (A_{\text{в.с}}^1 - A_{\text{в.с}}^0) * Q^1$$

Бунда, $A_{\text{ф}}$ – асосий ишлаб чиқариш фондлари;

$A_{\text{в.с}}^1$, $A_{\text{в.с}}^0$ – ҳисобот даври, утган йилнинг фонд сиғими;

Q^1 – ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

“POSCO International Textile” корхонасида фонд сиғимининг ортиши сабабли нисбий иқтисод 38227,9 млн. сўмга пасайган, яъни:

$$(0,45-0,41) * 955\,697,48 = 38\,227,9 \text{ млн. сўм}$$

Корхонада асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишда фонд қайтимини ошириш йўллари ишлаб чиқиш зарур ва улар қуйидагилардан иборат:

- ускуналардан фойдаланиш вақтини узайтириш;
- ускуналардан интенсив фойдаланиш;
- асосий воситалар актив қисмини ошириш;
- ишлатилаётган ускуналар улушини ошириш.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигига турли омиллар таъсир қилади. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми;
- асосий воситалар ўртача йиллик суммаси;
- ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнатининг самарадорлиги;
- асосий воситаларнинг таркибий тузилиши;
- асосий воситалар алоҳида турларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун иқтисодиёт учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтимоий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий ривожлантириш суръатини оширади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади (3-жадвал).

3-жадвалдаги кўрсаткичларни аниқлаш учун қуйидаги ҳисоблашларни амалга оширамиз.

1. Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган айланиш тезлиги айланма маблағлар ўртача йиллик суммасининг бир кунлик сотилган маҳсулот қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Айма} = \text{Аймўс} * \text{Кс} / \text{Q},$$

бунда: Айма – айланма маблағлар айланувчанлиги;

Аймўс – айланма маблағлар ўртача йиллик суммаси;

Q – маҳсулот сотиш суммаси;

Кс– даврдаги кунлар сони (одатда, бир йилди 360, ярим йилда 180, 1 чорақда 90, 1 ойда 30 кун).

$$\text{Айма} = (216383,5+266274,69) : 2 * 360 : 1111035,52 = 78,2 \text{ кун}$$

3-жадвал

**Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичларни аниқлаш йўллари [1]**

| | Кўрсаткичларнинг номи | Нимани ифодалаши (мазмуни) | Аниқланиш формуласи |
|----|---|--|---|
| 1. | Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда | Айм. Бир айланиш даврининг неча кунга тўғри келишини кўрсатади | Аймўс *Кс/ Q Кс – даврдаги кунлар сони |
| 2. | Айм.нинг айланувчанлик коэффиценти, мартада | Таҳлил даврида Айм.га қўйилган маблағнинг неча марта айланишини ифодалайди | Q / Аймўс |
| 3. | Айм.нинг рентабеллиги | 100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган фойдани кўрсатади | СФ*100/ Аймўс |
| 4. | Айм.нинг даромадлиги | 100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган даромадни (Д) ифодалайди | Д*100/ Аймўс |
| 5. | Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда) | Дебиторларнинг (Деб) бир айланиш даври неча кунга тўғри келишини кўрсатади | Деб*Кс/ Q |

2. Айланма маблағларнинг неча марта айланиши (айланиш коэффиценти – Ак) сотилган маҳсулот суммасининг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади ёки даврдаги кунлар сони (360) айланма маблағларнинг айланиш кунларига бўлинади. Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ак} = \text{Q} / \text{Аймўс} \text{ ёки } \text{Ак} = \text{Кс} / \text{Айма}$$

$$\text{Ак} = 1111035,52 : ((216383,5+266274,69):2) = 4,6 \text{ ёки } \text{Ак} = 360 : 78,2 = 4,6$$

Айланма маблағларни юкланиш коэффициенти айланиш коэффициентига тескари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотга сарфланган айланма маблағларни тавсифлайди ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$К_{\text{юк}} = \text{Аймўс} / Q = ((216383,5+266274,69) : 2) : 1111035,52 = 0,22$$

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

3. Айланма маблағлар рентабеллиги соф фойданинг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Аймр} = \text{СФ} * 100 / \text{Аймўс},$$

бунда: Аймр – айланма маблағлар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

$$\text{Аймр} = 83786,88 * 100 : ((216383,5+266274,69) : 2) = 34,72 \%$$

Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг 1 сўмига қанча фойда олинаётганлигини билдиради.

4. Айланма маблағлар даромадлиги (Аймд) даромад (Д) суммасини айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Аймд} = \text{Д} * 100 / \text{Аймўс} = 1111035,52 * 100 : ((216383,5+266274,69) : 2) = 460,38$$

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларига жуда кўп омиллар таъсир этади. уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;
- айланма маблағлар тузилишининг яхшиланиши;
- айланма маблағларни белгиланган меъёрлар даражасига етказиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулотга талабни ўрганишнинг яхшиланиши;
- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг яхшиланиши кабилар.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал

фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатчилик салоҳиятини баҳолашга оид ёндашувларнинг ишлаб чиқилиши, рақобат стратегиясининг тармоққа хос бўлган асосий хусусиятларининг асослаб берилиши, ишлаб чиқариш ресурсларини бошқаришда сифатни таъминлаган ҳолда таннархни пасайтиришнинг энг оптимал ички имкониятларини математик моделлаштириш усули орқали асосланиши тўқимачилик корхоналарини кучли рақобат муҳитида ривожлантириш стратегияларини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини бойитишга хизмат қилади. Тўқимачилик корхоналарида инновацион-инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини оширишга асосланган стратегияни шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар келгусида тармоқни янада ривожлантириш имконини беради.

REFERENCES

1. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003, – 256 б. Ҳамда Исаков М.Ю. «Корхона иқтисодиёти» (маърузалар матни) - Т.: ТДИУ, 2015, 165-202 бетлар.
2. “Posco International Textile” хорижий корхонаси маълумотлари асосида тузилган
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2020 йил “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.02.2019 й. ПҚ-4186-сон "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. www.lex.uz
5. Б.А. Абдукаримов, А.Н. Жабриев, Н.Р. Зугуров, А.Т. Қутбетдинов, М.Қ. Пардаев, Э.Ш. Шавқиев. Корхона иқтисодиёти. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Т. “Фан” – 2005. 142-бет

6. uz.poscointltex.com сайти
7. Axunova, O., Teshabaeva, O., & Shaxobiddinova, A. (2018). Methods of influencing the process of capital to the true value of the company in the system of corporate governance. *Priorities of world science: experiment and scientific discussion* (pp. 236-238).
8. Nasridinova, T. O. (2021, June). Creating an export-oriented industrial structure and increasing the share of products in exports. in "Online-conferences" platform (pp. 46-49).
9. Tolipov, A., & Teshabaeva, O. (2021). Innovative entrepreneurship is a factor in the development of the economy of modern production in uzbekistan. *Студенческий*, (2-4), 96-99.
10. Nasridinova, T. O. (2022). Use of main production facilities and economic activities of foreign textile enterprise. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876*, 16(01), 45-52.
11. Axunova, O., Teshabaeva, O., & Yulchiev, A. (2021). Analysis of the status, movement and level of funding of fund funds in foreign enterprises. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 450-460.
12. Тешабаева, О. Н., & Ахунова, О. Э. (2020). Привлечение инвестиций в развитие экономики агропромышленного комплекса республики Узбекистан. In *Развитие регионального АПК и сельских территорий: современные проблемы и перспективы* (pp. 241-243).
13. Jamoliddinova, M. D. (2023). Strategy for the development of innovative tourism services in the field of marketing in uzbekistan. *Publishing House "Baltija Publishing"*.
14. қизи Қодирова, Г. И., & Жамолиддинова, М. Д. (2022). ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТЛАШ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Results of National Scientific Research International Journal*, 1(7), 49-57.
15. Gulirano, K., & Mohinur, J. (2022). ANALYSIS OF THE STATE OF ORGANIZATION OF ACTIVITIES OF FOOD INDUSTRY ENTERPRISES OF THE REAL SECTOR. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603*, 11(09), 37-43.
16. Тешабаева, О. Н., & Ташматова, Н. Х. (2023). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АГРАР СЕКТОРДА ТАДБИРКОРЛИК

РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ЖИҲАТЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 4(1), 22-30.

17. Тешабаева, О. Н. (2022). Аҳоли молиявий саводхонлиги ўсишининг тадбиркорлик фаолияти ва даромадлар даражасининг ошишига таъсири. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 348-355.

18. Teshabaeva, O., & Qosimov, M. (2022). Priority tasks and ways to solve them in ensuring employment of the population in Uzbekistan. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 *Impact factor: 7.429*, 11(10), 148-154.